

Ватанга қасамёд - садоқат ва вафодир!



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига муддатли ҳарбий хизматга қабул қилиниши муносабати билан Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округи Термиз туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам тантанали тарзда “Ватанга қасамёд” тадбири бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга шайланаётган муддатли ҳарбий хизматчиларга омад ва зафарлар тилашди.

Шундан сўнг саф майдонида юракларни ҳаққиртирадиган жарангдор сўзлар садоси остида йигитлар қасамёдга киришишди.

Шунингдек, тадбирда намунали хизматни бошлаган аскарларнинг ота-оналарига Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ташаккурномаси топширилди.

Тантанали тадбирда ҳарбий оркестр ва туман маданият бўлими томонидан концерт дастури намойиш этилиб, ҳарбийлар иштирокидаги кўргазмали чиқишлари йиғилганларга фахр-ифтихор ва бир олам қувонч улашди.